



Олимнинг тўлик исми Абу-л-Аббос Ахмад ибн Мухаммад ибн Марвон ас-Сарахсий бўлса-да, Ахмад ибн ат-Таййиб лакаби билан танилган. Баъзан кейинги ном, яъни Ахмад ибн ат-Таййиб олимнинг исломни янги қабул қилган оиладан эканлигини, бу лакаб унинг мусулмон бўлмаган ота-онасининг исмини яшириш мақсадида қабул қилинган, деган фикрлар ҳам учраб туради. Аллома исмидаги ас-Сарахсий рутбаси унинг насл-насабини англатади ва уни Ўрта асрларда Туркменистоннинг Сарахс деб аталган шаҳридан эканлигини билдиради. Ас-Сарахсий 835 йиллар атрофида таваллуд топган ва асосан халифалик маркази Бағдодда яшаб фаолият кўрсатган. У ўз даврида фалсафа, физика, табобат, математика, астрономия, астрология ва мусика каби фанлар билан шугулланиб, машхурлик шохсупасига кўтарилган.

Ас-Сарахсийнинг ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси бугунги кунгача жуда кам ўрганилган манба ҳисобланади. Хорижий тадқиқотчилар орасида алломага бағишланган махсус тадқиқот Франс Розенталь каламига мансуб.

Ўрта аср манбаларида Ахмад ас-Сарахсийнинг Бағдодга қандай қилиб бориб қолганлиги ҳақида маълумот учрамайди, лекин унинг таржимаи холи билан боғлиқ бўлган икки муҳим маълумот сақланиб қолган. Улардан биринчиси, алломанинг машхур комусий олим ва «арабларнинг файласуфи» деб шухрат қозongan Ёқуб ал-Киндийга шогирд бўлганлиги. Устоз ва шогирд дастлаб 850 йиллар атрофида Бағдодда танишгани эҳтимолга яқин. Ахмад ас-Сарахсий ўша вақтда 10—15 ёшлар атрофида бўлиши мумкин. Адабиётларда ас-Сарахсийнинг олим бўлиб шаклланишида ал-Киндийнинг хизматлари катта бўлганлиги эътироф этилади. Шу билан бирга география, адабиёт, санъат тарихи каби соҳалар борки, уларда ас-Сарахсий ўз устозидан баъзи жиҳатлари билан фарқланади. Маълумки, халифалар ал-Маъмун ва ал-Муътасим даврида катта эътибор ва ҳурматга эга алломалар ал-Мутаваккил даврига келиб бошқа диний ва илмий арбоблар билан бирга таъкиб остига олинган. Ас-Сарахсий ҳам бу таъкиблардан четда қолмаган.

Унинг таржимаи холига оид иккинчи маълумот шундан иборатки, у Аббосий халифаларидан — 892 йили халифалик курсисига ўлтирган ал-Муътададга устозлик қилиш билан бирга аста-секин халифанинг ҳам мамлакат, ҳам шахсий ишларидаги маслаҳатчисига айланган. Аллома ўша даврнинг йирик сиймолари — шоир ибн ал-Муътаза, машхур олим Собит ибн қурра, ал-Муътадад вазирининг ўғли ва отасининг

вафотидан сўнг вазир вазифасини эгаллаган шоир ва давлат арбоби ал-Косим ибн Убайдуллох ибн Сулаймон ва бошқалар билан якин мулоқотда бўлган. Кўп ўтмай ал-Муътадад ва Ахмад ас-Сарахсий муносабатларига путур етиб, халифа уни 896 йили банди қилади ва 899 йили вазир ал-Косимнинг хайрихоҳлигида катл эттиради. Ас-Сарахсий хақидаги маълумотлар Ўрта аср муаллифларидан Ибн ан-Надим, Ибн ал-Кифтий, Ибн Абу Усайба, Бар Эбрей, Ёкут ал-Хамавий, Хожи Халифа ва бошқаларда учрайди. Хусусан, Ибн ал-Кифтий у ҳақда қуйидаги сўзларни келтиради: «Ахмад ибн Мухаммад ибн Марвон ибн ат-Таййиб ас-Сарахсий ислом дунёсидаги файласуфлардан бири бўлиб, у Ёкуб ал-Киндийнинг шогирди эди. Бинобарин, у фалсафий илмлардаги ноёб истеъдод соҳибларидан ҳисобланиб, мантик, мусикага оид йирик асарларнинг муаллифи, қадимги юнон ва араб илмларининг аксариятида нодир салоҳият эгаси, шу билан бирга жуда билимдон, юксак қобилиятли, ўта нотик ва калами ўткир бир инсон эди. У аввалига халифа ал-Муътададга устозлик қилган, сўнгра унинг хамроҳи (надим) ва дўстига айланган. Ал-Муътадад Ахмад ас-Сарахсийга якин сирларини ҳам айтиб, давлатни идора этиш ишларида у билан маслаҳатлашар эди...». Ибн ал-Кифтий олим каламига мансуб йигирмадан ортиқ асарларнинг номини келтирадики, бу рўйхатни тўлиқ деб бўлмайди ва уни бошқа муаллифлар, жумладан, Ибн ан-Надим, Ёкут ал-Хамавий, Хожа Халифаларнинг маълумотлари билан тўлдириш мумкин. Ахмад ас-Сарахсийнинг барча рисоаларининг номларини зикр этиш имконияти бўлмагани учун, унинг фалсафа, физика, мусика, табобат каби фанларга оид баъзи асарларининг номини келтириш мумкин:

1. «Фалсафа асослари» («Аркан ал-фалсафа»).
2. «Атмосфера ходисалари хақида китоб» («Китоб фи-ахдас ал-жавв»).
3. «Туманнинг моҳияти ҳақда китоб» («Китоб фи-кави ад-дабаб»).
4. «Тогларнинг фойдаси хақида китоб» («Китаб манфаъат ал-жибал»).
5. «Йўллар ва мамлакатлар хақида китоб» («Китаб ал-масалик ва-ал-мамалик»).
6. «Астрономияга кириш» («ал-Мадҳал ила синаъат ан-нуҷум»). Ахмад ас-Сарахсийнинг Бакуда сакланаётган бу рисоласидаги Зухал ва Миррих сайёраларининг бир-бири билан учрашиш жойи хақида мулоҳазалари Абу Райхон Бериунийнинг «Хронология» асарида иқтибос қилиниб, танқид остига олинган².
7. «Арифметика китоби» («Китаб ал-арисматика фи-л-аъдад»).
8. «Мусика хақида катта китоб» («Китаб ал-мусика ал-кабир»).
9. «Ашула айтиш сирларига йўриқлар» («Китаб ад-далала ала асрар ал-гина»).
10. «Табобатга кириш» («ал-Мадҳал ила синаъат ат-тибб»). Ахмад ас-Сарахсий асарларининг катта қисми бизгача етиб келмаган.

Б. Абдухалимов